

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида янги кўрғазма

08 Январь 2017



Ўзбекистон Миллий кутубхонасида фойдаланувчилар эътиборига машҳур асарлар ва адиблар асарлари ҳавола этилган “Таътилда мутолаа қиламиз” деб номланган китоблар кўрғазмаси очилди. Бу ҳақда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси матбуот хизмати **хабар қилди**.

“Истиқбол” залида очилган болалар китоблари кўрғазмасида ёш фойдаланувчилар эътиборига “Классная классика”, “Келинг, китоб ўқиймиз”, “Севимли болажонларим учун эртақлар”, “Мои любимые стихи”, “Жаҳон болалар адабиёти дурдоналари”, “Весёлая компания”, “Ўзбек халқ эртақлари олтин хазинаси”, “Жаҳон саргузашт адабиёти”, “Все лучшие сказки мира” рукнлари остида бадиий адабиётлар, ёш билимдонлар учун “Нима? Қачон? Қерда?”, “Энциклопедия эрудита”, “Большая детская энциклопедия”, “Я познаю мир”, “Энциклопедия для детей”, “Болалар энциклопедияси” туркумидан адабиётлар, эртақлар, шеърлар, хикоялар ҳамда вақтни қизиқарли ўтказишга қўмаклашувчи “Весёлые конкурсы”, “1000 заданий для зарядки мозгов” каби китоблар тўпламлари ҳавола этилган.

Учинчи қават фойесида рус ва ўзбек тилларида нашр этилган китоблар катта кўрғазмаси ташкил этилди. Мазкур китоблар қаторидан “Нашриётимиз хазинасидан”, “Қамолот” кутубхонаси”, “Знаменитие произведения поэтов и писателей”, “Золотая классика”, “Малое собрание сочинений”, “Русская классика”, “Жаҳон адабиёти кутубхонаси”, “Мировая классика” рукни остида нашр этилган адабиётлар ўрин олган.

Шунингдек “Жаҳон” зали Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фойдаланувчиларига жаҳон адабиёти намоёндаларининг дунёга машҳур асарлари ўрин олган адабиётлар кўрғазмасини тақдим этди. Мазкур кўрғазмада инглиз, корейс, хитой, немис, француз, испан ва бошқа тиллардаги адабиётлар намоёиш этилмоқда.

Кўрғазмага ташриф буюрган фойдаланувчилар ўзларини қизиқтирган, бўш вақтларини тўлдирга оладиган, янги маълумот оладиган, қизиқарли нарсалар ўрганадиган, ҳозиргача номаълум нарсалардан воқиф этадиган, уларнинг ижодий тасаввурини намоён этадиган китобларни мутолаа қилиш ёки шунчаки китоб варақлаш имконига

эга буладилар. Баъзи ёш китобхонлар учун эса мутолаа қишки таътил кунларининг энг сеvimли машгулотига айланади.